

“Ангрен логистика маркази” АЖ
кузатув кенгашининг 2-сонли мажлиси баённомаси

Ўтказиш санаси: 2024 йил 18 март

Ўтказиш жойи: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси,
1-уй. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биноси.

Ўтказиш вақти: Соат 11:00 да.

Мажлисда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:

- | | |
|----------------------------------|------------------------|
| 1. Рустамов Бахтиёр Равшанович | кузатув кенгаши раиси |
| 2. Алибеков Тимур Абдумухторович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 3. Бойсинов Жасур Хасанович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 4. Абдикаримов Шавкат Озодович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 5. Асроров Умит Саттор ўғли | кузатув кенгаши аъзоси |

Мажлисга таклиф қилинганлар:

- | | |
|------------------------------|--|
| 1. Абдураимов Ботир Тураевич | “Ангрен логистика маркази”
АЖ Бош директори |
|------------------------------|--|

Кузатув кенгаши мажлисининг кун тартиби:

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги 308 дона таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автомобилотранспорт воситасини белгиланган тартибда реализация қилиш учун “E-auksion” электрон савдо платформасига савдога чиқариш тўғрисида.

Мажлисда кузатув кенгашининг 5 нафар аъзосидан 5 нафари, 100% иштирок этаётганлиги сабабли мажлисни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Мажлис очик деб эълон қилинди.

1. Кун тартибидаги масалаюзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, куйидагиларни маълум қилди:

“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг 2024 йил 15 январь куни ўтказган мажлисида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автомобилотранспорт воситаларини белгиланган тартибда мустақил баҳоловчи ташкилотлар билан шартнома тузиб баҳолатиш ва реализация қилиш учун “E-auksion” электрон савдо платформасига савдога чиқариш тўғрисидаги ижро органининг таклифи маъқулланган.

Жамият ижро органига куйидаги вазифалар белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш;

2024 йил 1 февраль ҳолатига жамият балансидаги таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автотранспорт воситаларини ва бошқа асосий воситаларини белгиланган тартибда хатловдан ўтказиб рўйхатини шакллантириш;

2024 йил 10 февралга қадар “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали жамият балансидаги таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автотранспорт воситаларини реализация қилиш учун баҳолаш ва баҳолаш ҳисоботларини экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ электрон савдолар биржаси орқали аниқлаш;

Автотранспорт воситаларини баҳолаш ҳисоботлари ва уларни экспертизадан ўтказилганлигини тасдиқловчи экспертиза хулосаларини кўриб чиқиб қарор қабул қилиш учун кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш.

2024 йил 16 январь ҳолатига жамият балансидаги 308 дона таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автотранспорт воситаларини реализация қилиш учун рўйхати шакллантирилиб, уларни техник ҳолати кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида далолатномалар расмийлаштирилган.

Жамият харид комиссияси томонидан 2024 йил 1 февраль куни 308 дона таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автотранспорт воситаларини реализация қилиш учун миллий стандарт бўйича бозор баҳосида баҳолаш учун мустақил баҳоловчи ташкилотни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ ХТ-ХАРИД давлат харидлари электрон тизими орқали аниқлаш учун танлов ўтказилган.

Ўтказилган танловда “Ангрен логистика маркази” АЖ балансидаги 308 дона автотранспорт воситасини баҳолаш учун танловда иштирок этган “Gold Grand Estimation” МЧЖ ғолиб деб топилган.

2024 йил 12 февраль куни “Ангрен логистика маркази” АЖ ва “Gold Grand Estimation” МЧЖ ўртасида 16/24-сонли баҳолаш хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилган.

“Gold Grand Estimation” МЧЖ томонидан 2024 йил 1 январь ҳолатига 308 дона жами баланс қиймати 66 026 402 111 сўм, амортизацияси 61 265 791 913 сўм, қолдиқ қиймати 4 760 610 199 сўм бўлган автотранспорт воситалари бозор баҳосида баҳоланган ва 2024 йил 26 февраль куни 16/24-сонли баҳолаш ҳисоботи тузилган. Баҳолаш ҳисоботида 308 дона автотранспорт воситасини жами бозор баҳоси 39 804 938 000 сўм этиб белгиланган.

Жамият харид комиссияси томонидан 2024 йил 29 февраль куни “Gold Grand Estimation” МЧЖ томонидан 2024 йил 26 февраль куни 16/24-сонли тузилган баҳолаш ҳисоботини ҳаққонилигини экспертизадан ўтказиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ ХТ-ХАРИД давлат харидлари электрон тизими орқали аниқлаш учун танлов ўтказилган.

Ўтказилган танловда “Gold Grand Estimation” МЧЖтомонидан 2024 йил 26 февраль куни 16/24-сонли тузилган баҳолаш ҳисоботини ҳаққонилигини экспертизадан ўтказиш учун танловда иштирок этган “Urganch baholash va konsalting” МЧЖ ғолиб деб топилган.

2024 йил 7март куни “Ангрен логистика маркази” АЖ ва “Urganch baholash va konsalting” МЧЖ ўртасида 09ЭХ-сонли баҳолаш ҳисоботини ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилган.

2024 йил 11 март куни “Urganch baholash va konsalting” МЧЖтомонидан “Gold Grand Estimation” МЧЖтомонидан 2024 йил 26 февраль куни 16/24-сонли тузилган баҳолаш ҳисоботи ҳаққонийлиги тўғрисида 09ЭХ-2024-сонли ижобий экспертиза хулосаси берган.

Б.Абдураимов, кузатув кенгаши аъзоларидан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 75-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш масаласи киритилган муносабати билан “Gold Grand Estimation” МЧЖтомонидан 2024 йил 26 февраль куни 16/24-сонли тузилган баҳолаш ҳисоботини маъқуллашни ва баҳолаш ҳисоботида қайд этилган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги 308 дона таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автототранспорт воситасини бозор баҳосида реализация қилиш учун “E-auksion” электрон савдо платформасига савдога чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишни сўради.

Ж.Бойсинов, 2023 йил 1 июль ҳолатига “Баҳолаш ва консалтинг маркази” МЧЖ томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 100 фоиз давлат улиши, яъни 1 303 803 дона акцияси баҳоланганлиги, ушбу баҳолаш ҳисоботида жамиятнинг балансидаги 308 дона таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автототранспорт воситасини жами бозор баҳоси 39 042 365 904 сўмни ташкил қилганлиги, ушбу баҳолаш ҳисоботи билан 2024 йил 26 февраль куни “Gold Grand Estimation” МЧЖ томонидан 16/24-сонли тузилган баҳолаш ҳисоботи ўртасидаги 308 дона автототранспорт воситасини бозор баҳосидаги ижобий фарқи 762 572 157 сўмни ташкил қилганлигини инобатга олиб, “E-auksion” электрон савдо платформасига бозор баҳосида баҳоланган 308 дона таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автототранспорт воситасини реализация қилиш учун ҳар бирини алоҳида-алоҳида лотлар билан босқичма-босқич савдога чиқариш чорасини кўриш тўғрисида фикр билдирди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга кўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Ж.Бойсинов, Ш.Абдиқаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – Т.Алибеков

Юқорида баён қилинганларга асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. 2024 йил 26 февраль куни “Gold Grand Estimation” МЧЖ томонидан 16/24-сонли тузилган баҳолаш ҳисоботи ва 2024 йил 11 март куни “Urganch baholash va konsalting” МЧЖ томонидан ушбу баҳолаш ҳисоботини ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида тузилган 09ЭХ-2024-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижро органи:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминласин.

2024 йил 1 апрелдан бошлаб “E-auksion” электрон савдо платформасига бозор баҳосида баҳоланган 308 дона таъмирталаб ва сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган автотототранспорт воситасини реализация қилиш учун ҳар бирини алоҳида-алоҳида лотлар билан босқичма-босқич савдога чиқариш чорасини кўрсин.

Кузатув кенгаши раиси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси



[Handwritten signature]

Б.Рустамов

[Handwritten signature]

Т.Алибеков

[Handwritten signature]

Ж.Бойсинов

[Handwritten signature]

Ш.Абдикаримов

[Handwritten signature]

У.Асроров

Баённома имзоланган сана: 2024 йил 18 март